

Таъзия



15:58 / 10.08.2024 1229

Тошкент шаҳар «**Қора соқол ота**» жомеъ масжиди имом-ноиб, **устоз Муҳаммад Шокир** домланинг акалари **Фахриддин ҳожи отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ва самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин, жаннатнинг олий даражаларига етказсин!

Марҳумнинг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига Аллоҳ таолодан сабру жамил ва ажру мукофотлар тилаймиз

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

*«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди, «Hilol-nashr»
матбаа-нашриёти ва Islom.uz портали жамоаси*